

Аҳли дўзахнинг шароби ва таоми



11:09 / 09.01.2020 2774

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, ҳамийм-ўта қайноқ сув уларнинг бошларидан қуйилур ва тешиб қорнига етиб борур. Бас, у қорнидаги нимаики бўлса, қиймалаб икки оёғидан отилиб чиқади. Ана ўша саҳрдир. Сўнгра яна аввалдан бошланади»**, дедилар».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг» оятини қироат қилдилар ва сўнгра: «Агар Заққумдан бирор қатраси бу дунё диёрига томадиган бўлса, албатта, аҳли дунёнинг маъишатларини бузар эди. У таоми бўлганнинг ҳоли нечук бўлур»**, дедилар».

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йиринг сув ила суғорилади. Уни ютишга уринади-ю, юта олмас»**, деган қавли ҳақида **«У анинг оғзига яқинлаштирилади. Бас, у буни ёқтирмайди. Қачон унга яқинлаштирилса юзини қовуради ва бошининг териси узилиб тушади. Қачон уни ичса**

ичакларини қиймалаб ташлайди. Охири орқасидан чиқади. Аллоҳ «Ва улар ўта қайноқ сув ила суғорилдилар. Бас, ичакларини қиймалади» дейди. Ва яна «Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қўғирувчи сув билан «ёрдам» берилади. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!» дейди», дедилар».

Бу ҳадиси шарифда ояти карималарни далил қилиб, аҳли дўзахларнинг ичимликлари қандоқ бўлиши ҳақида сўз юритилмоқда.

«Йиринг сув ила суғорилади. Уни ютишга уринади-ю, юта олмас».

Йирингни оғизга олишнинг ўзи қаттиқ азоб. Уни чанқоқбосди учун ичиш икки карра азоб. Энди уни юта олмай қийналиш эса, мислсиз азобдир.

«Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қўғирувчи сув билан «ёрдам» берилади. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!»

Жуда қаттиқ чанқаган дўзахилар бир томчи сувга зор бўлиб, ёрдам сўрасалар, уларга маъдан ёки қаттиқ қизитилган қора мой каби нарса сув ўрнига берилади. У шундай иссиқ бўладики, агар кишининг юзига тегса, уни қўғириб юборади. Ана шу нарсани чанқоқбости деган ният билан дўзахилар ичадилар. Бу дунёда иймонсиз кетган золимларнинг ҳоли нима кечишини шундан ҳам билиб олса бўлади. Дўзахилар ичадиган шароб ана шундай шароб, улар яшайдиган жой ана шундай жой.

«Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!».

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кал мўҳли дегани ёғни эритилгани дегани. Қачон у анга яқинлаштирилса юзининг териси унинг ичига тушади. Агар Ғассоқдан бир пақир дунёга оқизилса аҳли дунёни сасиб кетар эдилар», дедилар».

Ушбу тўртовини Термизий ривоят қилган.

Ғассоқ аҳли дўзахнинг шароби бўлиб уларнинг баданларидан оққан йирингдан иборатдир.

Islom.uz портали таҳририяти